



WAYS TO INCREASE THE EFFECTIVENESS OF THE ACTIVITIES OF EXECUTIVE BODIES AT ENTERPRISES WITH STATE PARTICIPATION

Nuraliev Rustam Turgunovich

Head of department, Center for Research of Problems in Privatization and State Assets Management under the State Assets Management Agency of the Republic of Uzbekistan, Ph.D. in Economics, Senior Researcher

Usmanov Bekhruz Shovkat Ogli

Center for Research of Problems in Privatization and State Assets Management under the State Assets Management Agency of the Republic of Uzbekistan, Junior Research Fellow.
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14644563>

ARTICLE INFO

Received: 08th January 2025

Accepted: 13th January 2025

Online: 14th January 2025

KEYWORDS

Enterprises with state participation, the executive body, management methods, private equity, important indicators of efficiency (IIE).

ABSTRACT

In this article, proposals and solutions to eliminate problems and shortcomings related to the activities of the executive body were put forward and proposals were made to qualitatively assess the effectiveness of their work activities.

ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРДА ИЖРО ЭТУВЧИ ОРГАНЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Нуралиев Рустам Турғунович

Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Хусусийлаштириш ва давлат активларини бошқариш муаммоларини тадқиқ этиш Маркази, бўлим бошлиғи, и.ф.н.,
к.и.х.

Усманов Бехруз Шовкат ўғли

Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Хусусийлаштириш ва давлат активларини бошқариш муаммоларини тадқиқ этиш Маркази, кичик илмий ходим.
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14644563>

ARTICLE INFO

Received: 08th January 2025

Accepted: 13th January 2025

Online: 14th January 2025

KEYWORDS

Давлат иштирокидаги корхоналар, ижро этувчи орган, бошқарув усуллари, хусусий капитал, самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (СМК).

ABSTRACT

Ушбу мақолада ижро органининг фаолияти билан боғлиқ муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича таклиф ва ечимлар илгари сурилиб, уларнинг иш фаолияти самарадорлигини сифат жиҳатидан баҳолаш бўйича таклифлар берилди.



Мустақиллик йилларда мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, давлат тузилмасини демократлаштириш, бозор ислохотларини чуқурлаштириш, хусусий мулк, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ҳимоя қилиш учун зарур кафолатлар яратишга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борадаги ишлар ҳали-ҳам изчил давом эттирилмоқда. Бугунги кунда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ҳуқуқий ислохотлар кўлами кенгайтирилди, бозор шароитида миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ва мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш учун тадбиркорликнинг турли шакллари ривожлантиришга қаратилган стратегик дастурлар қабул қилинди, ушбу соҳанинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш, уларни янада такомиллаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш амалга оширилди.

Сўнгги йилларда республикада давлат активларини бошқаришга оид бир қатор меъёрий ҳужжатлар, яъни, ***Ўзбекистон Республикасининг “Давлат мулкани бошқариш тўғрисида”ги ва “Давлат мулкани хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди [1;2].***

Давлат иштирокидаги корхоналарда истеъмолчига йўналтирилган замонавий бошқарув усуллари, очиқлик, шаффофлик ва бозор тамойилларини жадал жорий этиш, даромадларни ошириш, ислохотлар жараёнида хусусий капитал иштироки учун кенгроқ имкониятлар яратиш, иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва рақобат муҳитини янада яхшилаш мақсадида, ***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш бўйича 2020 йил 9 декабрдаги 775-сон қарори қабул қилинди [3].***

Мазкур қарор билан давлат иштирокидаги корхоналарда ижро органларининг масъулиятини янада ошириш, корхоналарни ривожлантиришда уларнинг ўрни ва аҳамиятини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, раҳбар ходимларнинг иш фаолиятига баҳо бериб бориш ҳамда давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органи фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш, уларнинг масъулиятини ошириш ва мониторинг тизимини йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, иқтисодиётнинг турли соҳаларида ишлаб чиқариш суръатларини тезлаштириш ва самарадорликни оширишга қаратилган шарт-шароитларни яратиш учун миллий иқтисодиёт тармоқларининг ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантиришга, инвестицияларни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Дарҳақиқат, давлат корхоналарнинг ижро органи вакиллари фаолияти самарадорлигини ошириш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири бўлиб, ижро органи вакиллари амалиётидаги ижобий ўзгаришлар динамикасини кузатиш, давлат иштирокидаги корхоналарни бошқарилишини такомиллаштириш ва ижро органи вакиллари фаолияти устидан назоратни оширишдан иборатдир.

Давлат иштирокидаги корхоналарда ижро органи фаолияти самарадорлиги муҳим кўрсаткичлари (СМК) нинг 2023 йил якуни бўйича жорий этиш ҳолати ўрганиб чиқилганда қуйидагилар аниқланди:

2023 йил якунига кўра Давлат иштирокидаги корхоналар **221.1 трл.сўм** соф тушим ва **33 трлн.сўм** соф фойда билан якунлаганликлари маълум бўлди. Шу билан бирга,



Давлат иштирокидаги корхоналарда ижро органи фаолияти самарадорлиги муҳим кўрсаткичларининг 2023 йил якуни бўйича жорий этиш ҳолатини таҳлил қилинганда, қуйидагилар аниқланди: давлат иштирокидаги корхоналар сони – **2163**, АЖ – **254**, МЧЖ – **1438**, ДК – **471**. Ушбу корхоналардан **294** фаолиятсиз ва тугатиш жараёнидаги корхоналар бўлиб, **1869** корхоналар эса (СМК) жорий этиш лозим бўлган корхоналарни ташкил этди. Давлат иштирокидаги корхоналарда ижро органи фаолиятининг самарадорлиги муҳим кўрсаткичлари 2023 йил якуни бўйича таҳлил қилинганда:

- **469** корхона ёки **25,1%** фаолияти юқори даража баҳоланди;
- **100** корхона ёки **5,4%** фаолияти етарли даражада баҳоланди;
- **126** корхона ёки **6,7%** фаолияти ўрта даражада баҳоланди;
- **156** корхона ёки **8,3%** фаолияти етарли даражада эмас деб баҳоланди;
- **100** корхона ёки **5,4%** фаолияти паст даражада деб баҳоланди;
- **918** корхона ёки **49,1%** фаолияти қониқарсиз деб баҳоланди.

Ушбу самарадорлик муҳим кўрсаткичлари (СМК)нинг соҳалар кесимида жорий этилишини кўриб чиқилганда, қуйидагилар очиқланди:

- АКТ (алоқа коммуникация технологиялари) **142 та** жами корхонадан **57%** жорий этилди;

- Геология ва металлургия **20 та** жами корхонадан **50%** жорий этилди;
- Коммунал ва ижтимоий соҳа **218 та** жами корхонадан **61%** жорий этилди;
- Энергетика, нефтгаз ва кимё жами **58 та** корхонадан **91%** жорий этилди;
- Қишлоқ хўжалиги жами **52 та** корхонадан **61%** жорий этилди;
- Қурилиш ва стандартлаштириш жами **80 та** корхонадан **55%** жорий этилди;
- Йўл инфратузилмаси жами **285 та** корхонадан **88%** жорий этилди;
- Озиқ-овқат ва савдо жами **577 та** корхонадан **94%** жорий этилди;
- Хизмат кўрсатиш жами **225 та** корхонадан **60%** жорий этилди.

Давлат иштирокидаги корхоналарда ижро органи фаолиятининг самарадорлиги муҳим кўрсаткичлари (СМК)ни жорий этилиши йиллар давомида қуйидагича бўлганлиги маълум бўлди:


2019 йилда давлат корхоналарнинг умумий сонидан **862 тасига** ёки **52%** СМК жорий этилган бўлса, 2020 йилда эса давлат корхоналарнинг умумий сонидан **1209 тасига** ёки **73%** СМК жорий этилди. 2021 йилда давлат корхоналарнинг умумий сонидан **1283 тасига** ёки **77%** СМК жорий этилди. 2023 йилда давлат корхоналарнинг умумий сонидан **1869 тасига** ёки **86,4%** СМК тадбиқ этилди.

Шу билан бирга, таъкидлашимиз жойизки, зарар кўрган ва иқтисодий таваккалчилик ҳолатидаги **177 та** давлат иштирокидаги корхоналарни 2023 йилда молиявий соғломлаштиришга қаратилган “Йўл хариталари” – дастури ишлаб чиқилди. Жумладан:

- **3 та** корхона фаолиятсиз, тугатиш жараёнида ва қайта ташкил этилган;
- **2 та** корхонада давлат улуши сотилган;
- **172 та** корхонада “Йўл харитаси” ижроси бўйича мониторинги олиб борилди.

Шундан, 2023 йил якунига кўра **138 та** корхона **2 065 млрд.сўм** соф фойда олган бўлса, қолган **34 та** корхона **4 249 млрд.сўм** зарар билан якунлаган. Бизнинг фикримизча, ушбу

34 та давлат иштирокидаги корхонада ижро органи фаолияти ишларни пухта ташкил этмаганлигидан далолат бермоқда.



1-расм. Республикада зарар кўрган ва соф фойда олган корхоналар сони¹


Ушбу графикдан кўриниб турибдики, 2021 йилда соф фойда олган давлат иштирокидаги корхоналар сони **73 тани** ташкил қилган бўлса, 2023 йилга келиб ушбу кўрсаткич **138 тага** етган. Хулоса қилишимиз мумкинки, соф фойда олган давлат иштирокидаги корхоналар зарар кўрган корхоналарга нисбатан йилдан-йилга ўсиб бормоқда.

Давлат иштирокидаги корхоналар томонидан 2022 йил якуни бўйича давлат улушига ҳисобланган дивиденд (ажратма)лардан 2023 йилда давлат бюджетига **1 056 та** корхоналар томонидан **26,0 трлн.сўм** тўланган.

Шу билан бирга шуни таъкидлашимиз керакки, давлат иштирокидаги корхоналарга имтиёз ва преференциялар берилиши натижасида улар хусусий корхоналарга нисбатан устун мавқеда қолмоқда, бироқ, давлат иштирокидаги корхоналарнинг **48%** дан ортиғи давлат бюджетига дивидендлар тўлайди, бу дивидендларнинг қарийб **92% (23,9 трлн.сўм)** **7 та** йирик корхонага тўғри келади, бу қолган корхоналарнинг аксарияти самарадорлиги паст даражада эканлигидан далолат беради. Бу эса ўз навбатида корхоналарда ижро органининг иш фаолияти қониқарсиз эканлигидан далолат беради.

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг "Давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш, давлат активларини хусусийлаштириш ва бошқа соҳаларда 2023 йилдаги фаолияти тўғрисида" ҳисоботи.

Давлат иштирокидаги корхоналар томонидан тўланган дивиденд кўрсаткичлари



2-расм. Республикадаги корхоналар сони ва тўланган дивидендлар суммаси (млрд.сўм)²

Ушбу графикдан кўриниб турибдики, 2020 йилда **1 343 та** корхондан тўланган дивидендлар қиймати **9,8 трлн.сўмни** ташкил қилган бўлса, 2023 йилга келиб ушбу кўрсаткич **1 056 та** корхондан **26 трлн.сўм** дивиденд суммаси ташкил қилди. Хулоса қилишимиз мумкинки, корхоналар сони йилдан-йилга қисқариб борган бўлсада, тўланган дивидендлар суммаси ошиб борилишига таъсир қилмаган. Бу айрим корхоналарда ижро органи раҳбарлари томонидан ишни яхши ва пухта ташкил қилганликларидан далолат беради.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирилган ҳолда, давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг ижро органининг самарадорлигини ошириш, ҳамда сифат жиҳатидан баҳолаш учун қуйидаги қўшимча кўрсаткичларни амалиётда қўллаш бизни фикримизча мақсадга мувофиқдир:

1. Ҳисобот даврида корхонада ишчилар сонининг ўзгариши;
2. Уларнинг меҳнатига ўртача ойлик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар;
3. Корхонада ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш дастурлари мавжудлиги тўғрисида маълумот;
4. Иш ҳақи, мажбурий тўловлар ва давлат бюджетидан ташқари жамғармаларга қарзи мавжудлиги ҳақида маълумот;
5. Корхона ижро органи томонидан давлат тарафидан қўйилган вазифаларни бажариш;
6. Тўловга қобилиятсизлигини олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;
7. Корпоратив бошқарув ва назорат органларининг йиғилишлари ҳамда умумий йиғилишларини ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш;
8. Корпоратив бошқарув ва назорат органлари мажлисида ижро органи раҳбарларининг шахсан

² Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг “Давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш, давлат активларини хусусийлаштириш ва бошқа соҳаларда 2023 йилдаги фаолияти тўғрисида” ҳисоботи.



иштирок этиши; 9. Корпоратив бошқарув ва назорат органларининг қарорларини ўз вақтида бажариш ва назорат қилиш.

Таклиф этилаётган қўшимча кўрсаткичлар давлат улуши мавжуд бўлган корхоналарнинг **кузатув кенгашлари** томонидан амалиётда қўлланилиши керак. Бизнинг фикримизча, ушбу кўрсаткичларни қўлланилиши ижро органи томонидан давлат активларини бошқариш самарадорлигини сезиларли даражада ошириши мумкин бўлган бир қатор ижобий афзалликларни беради, яъни, давлат вакиллари орқали компаниялардаги ижро органи ишларининг ҳақиқий ҳолати тўғрисида ишончли маълумот олишга ва зудлик билан тегишли қарорлар қабул қилишга, ижро органи вакиллариининг самарадорлигини нафақат миқдорий жиҳатдан, балки сифат жиҳатдан баҳолашга, талабларга жавоб бермайдиган ижро органи раҳбарларнинг эгаллаб турган лавозимларига лойиқликларини кўриб чиқишга имкон яратади.

References:

1. Ўзбекистон Республикасининг 09.03.2023 йилдаги “Давлат мулкни бошқариш тўғрисида” ЎРҚ-821-сон Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг 14.02.2024 йилдаги “Давлат мулкни хусусийлаштириш тўғрисида” ЎРҚ-907-сон Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 09.12.2020 йилдаги “Давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 775-сон Қарори.